

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов

Баённома №___ 2017 йил ___ май

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

МК-113 гуруҳ талабаси

Тошпулатов Рустамнинг

**«Солиқларни режалаштириш орқали бюджет даромадларининг
барқарорлигини таъминлаш йўллари (Пайариқ туман
ҳокимлиги молия бўлими маълумотлари бўйича)» мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: асс. Давронов А.

Илмий маслаҳатчи: Раззоқов Ж.С. -

Пайариқ туман ҳокимлиги молия

бўлими бошлиғи

САМАРҚАНД – 2017

Мундарижа

Кириш.....	4
I Боб. Солиқларнинг режалаштирилишини солиқ тизими барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти	
1.1. Солиқларни режалаштириш моҳияти ва солиқ тўловларини минималлаштиришдаги роли.....	9
1.2. Солиқларни режали тартибга солиш орқали бюджет даромадларини барқарор ўсишини таъминлашни аҳамияти..	12
1.3. Солиқларни режалаштириш орқали солиқ тизимини барқарор ривожланиши учун олиб борилаётган туб ўзгаришлар.....	18
II Боб. Солиқларни режалаштириш орқали бюджет даромадларини барқарорлигига таъсир этувчи омилларни минималлаштириш	
2.1. Солиқ кодексида ягона солиқ тўловини солиқ объектларини тўлиқ қамраб олмаслигини бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашга таъсири.....	23
2.2. Солиқ ҳисобини тўғри ташкил этиш орқали солиқ суммаларини минималлаштириш омиллари.....	26
2.3. Солиқларни режалаштириш орқали бюджет даромадларига ўз вақтида ва белгиланган миқдорда тушишига таъсир этувчи омиллар.....	29
III Боб. Иқтисодиётни замонавий талаблар доирасида ривожланиши шароитида солиқларни режалаштириш орқали бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашни истиқболи	
3.1. Солиқ тўловларини оптималлаштириш орқали бюджет	34

даромадларига мажбурий тўловларни прогнозлаш имкониятлари.....	
3.2. Солиқ идоралари ходимларининг фаолиятини комплекс ахборот мониторинг тизимини ишлаб чиқиш орқали бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлаш истиқболи.....	39
3.3. Ҳозирги шароитда солиқларни режалаштириш орқали хўжалик субъектларини бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашдаги ролини ошириш истиқболлари.....	42
 IV Боб. Пайариқ туман ҳокимлиги молия бўлимида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	45
4.2. Пайариқ туман ҳокимлиги молия бўлими ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	46
4.3. Пайариқ туман ҳокимлиги молия бўлимида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	51
4.4. Пайариқ туман ҳокимлиги молия бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	58
Хулоса.....	60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	62

Кириш

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётни модернизациялаш жараёни тезлашиб бормоқда. Давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида солиқ сиёсатида ҳам бу борада катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйланган изчил солиқ ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади»¹. Ўз навбатида, сўнгги йиллардаги солиқ амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, солиқ тизими иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг ҳозирга талабларига ўз вақтида жавоб беролмай қолаяпти. Хусусан, солиқ қонунчилиги тез-тез ўзгараётгани солиқ тизимидаги нобарқарорликни келтириб чиқараётган бўлса, солиқ тизимининг турли режимларга асослангани солиққа тортишнинг корхоналар мақоми ва иқтисодий фаолият турларига қараб табақаланишига, бу эса иқтисодиётда солиқ юқининг нотеқис тақсимланишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, солиқлар – юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети ихтиёрига ўтказадиган мажбурий тўловларидир. Солиқ муносабатлари юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат ўртасидаги молиявий муносабатларнинг бир қисми бўлиб, бу муносабатлар мвжбурийлик, олдиндан қонуний белгиланиш, тўловларнинг бир томонлама ҳаракати, солиқ тўловларининг корхона мулкый имкониятларини чеклаши каби масалаларда юзага келади. Солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўз функцияларини бажаришидаги муҳим моддий асос бўлиб хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

Бозор муносабатларига асосланган кўплаб мамлакатларда иқтисодий солиқлар орқали тартибга солиш сиёсати изчил олиб борилмоқда ва шунга мувофиқ янада ривожланиб, такомиллишиб келмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатларда солиқ сиёсатининг ҳозирги палласида иқтисодий солиқ орқали тартибга солиш сиёсатига тобора кўпроқ ургу бери, тоқдв. Иқтисодий солиқлар воситасида тартибга солиш сиёсатини юритишдан мақсад – солиқ тўловчиларнинг ҳўжалик вв иқтисодий фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва инвестицион фаоллигига солиқлар воситасида туртки бериш, иқтисодий субъектлар фаолиятини умумиқтисодий стратегик мақсадларга боғлашдир.

Солиқлар воситасида таъсир ўтказиш механизми ҳўжалик юритувчи субъектлар хатти-ҳаракатларига тегишли ўзгартиришлар киритиши табиийдир. Аммо, солиқлар мижбурий тўлов сифотида ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар учун манфаат тусига айланиб қолмаслиги, корхона, муассаса, ташкилотнинг бутун фаолиятини бошқарувчи омили бўлиб қолмаслиги керак. Амалда эса, солиқлар иқтисодий тартибга солишнинг кучли воситаси сифатида корхоналар стратегик қарорларини сезиларли ўзгартиришга мажбур этади. Салмоқли узок муддатга мўлжалланган қарорлар ҳеч қачон солиқлар таъсирини ҳисобга олмасдан қабул қилинмайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқларни режалаштиришни ривожлантириш билан мунтазам шуғулланиб келинган. Солиқларни режалаштириш ҳозирги замон иқтисодчи олимларидан У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Д.Кейнс, А.Лаффер, П.Самуэльсон, К.Макконел, Г.Менкью илмий асарларидан қисман ёритилган.

Солиққа тортиш амалиётидаги муаммолар МДХнинг Л.Гончаренко, Е.Евстигнеев, А.Исаев, М.Кулишер, В.Пансков, А.Погорлецкий, А.Соколов, С.Сутиргин, Д.Тихонов, Д.Черник, Т.Юткин каби иқтисодчилари томонидан ўрганилган. Мамлакатимизда солиқларни режалаштириш амалиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олим ва амалиётчи

мутахассислардан А.Ваҳобов, Э.Гадоев, В.Галкин, Ж.Зайналов, Т.Маликов, О.Олимжонов, Қ.Яҳёев, Н.Ҳайдаров ва бошқаларни келтириш мумкин. Иқтисодий адабиётларда асосий эътибор айрим солиқ турларини режалаштиришни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, лекин корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқларни режалаштириш заруриятининг илмий-амалий муаммоларини яхлит комплекс ҳолда тадқиқ этилмаган.

БМИ мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқларни режалаштириш механизмини ривожлантириш солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

БМИ вазифалари. БМИда қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- солиқларни режалаштириш аҳамияти ва зарурлигини ёритиш;
- солиқларни режалаштириш орқали корхоналар иқтисодий фаоллигини тартибга солишни тадқиқ қилиш;
- корхоналар тўлайдиган солиқларнинг режали тушумини тенденцияларини аниқлаш;
- солиқларни режалаштириш орқали бюджет даромадларини ошириш йўллари йўрганиш;
- корхоналар тўлайдиган солиқларни режалаштиришда имтиёзларни тадқиқ қилиш;
- солиқларни режалаштиришни корхоналар иқтисодий фаоллигига таъсирини таҳлил этиш;
- солиқларни режалаштириш орқали корхоналар иқтисодий фаоллигига таъсирини йўрганиш;
- республикамізда солиқ тушумлари ҳажмини истиқбол даврларга илмий прогнозлаш;
- солиқ тушумларини режалаштириш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш.

БМИнинг объекти. Солиқларни режалаштириш механизмлари тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

БМИнинг предмети. Солиқларни ундиришни режалаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. БМИда иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, қиёсий таҳлил, динамикада ўрганиш, гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилган асосий ҳолатлар:

- солиқларни режалаштиришни иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича илмий концепция ишлаб чиқилди;

- солиқларни режалаштириш механизмини такомиллаштирилиши такрор ишлаб чиқариш тамойилига таянган бўлиши ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнларини рағбатлантириши лозимлиги илмий асосланди;

- солиқларни режалаштириш механизми таҳлил этилиб, корхоналар фаоллигини ошириш йўллари белгиланди;

- солиқ тушумларида хўжалик юритувчи субъектлар тўлайдиган солиқларнинг ривожланиш тенденциялари таҳлил асосида ўрганилиб, уларнинг ўрта муддатга мўлжалланган прогнози ишлаб чиқилди;

- солиқларни корхоналар иқтисодий фаолиятига таъсири аниқланиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, истеъмолчидан корхона зиммасига юкланиш мумкин бўлган солиқ ставкалари аниқланди.

- солиқ ставкаларининг солиқ базасига боғлиқлиги таҳлил этилиб, солиқларни пасайтириш таклифини иқтисодий самараси исботланди;

- бозор иқтисодий тамойиллари ва солиқларни режалаштиришнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, ставкаларни камайтирилиши тармоқ ихтиёрида қолдириладиган солиқ ҳисобидан амалга ошириш йўналишлари ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги:

- солиқларни режалаштириш тушунчасининг иқтисодий моҳияти ёритилди ва унга мустақил муаллифлик фикри баён этилди;
- солиқларни режалаштириш механизми аниқланди;
- корхоналарни солиққа тортиш тизимининг замонавий ҳолатига хос бўлган тенденциялари аниқланди ва асослаб берилди;
- солиқларни режалаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда солиққа тортиш объектларини бирлаштириш орқали ягона режалаштириш механизми ишлаб чиқилди.
- солиқларни режалаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

БМИ материалларидан олий ўқув юртларида “Солиқлар ва солиққа тортиш” фани ўқув дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Самарқанд вилоят Пайариқ туман ДСИ (29.05.2017 йилдаги хати) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. БМИ натижалари “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси илмий-амалий семинарида маърузалар кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

БМИ натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан солиқларни режалаштириш механизмини такомиллаштиришда, бюджет параметрларини белгилашда, солиқларга оид қонун ва қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. БМИ матни 66 саҳифадан иборат бўлиб, унда 2 та жадвал, 3 та расм ва 3 та диаграмма келтирилган.

**I-Боб. Солиқларнинг режалаштирилишини солиқ тизими
барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти**
**1.1. Солиқларни режалаштириш моҳияти ва солиқ тўловларини
минималлаштиришдаги роли**

Иқтисодиёти модернизациялаш шароитида молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш жараёнини самарали ташкил этиш ҳамда солиқ тўловчилари зиммасига тушадиган солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларнинг корхона молиявий натижасига таъсирчанлигини камайтириш энг долзарб масалалардан саналади. Чунки амалга оширилаётган солиқ ислохотлари асосан корхоналар зиммасига тушаётган солиқ юкини камайтиришга йўналтирилган. Маълумки, солиқлар қанча бўлишидан қатъий назар корхона молиявий натижасига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда солиқларни режалаштириш молиявий натижага солиқлар таъсирини камайтиришнинг энг оптимал усули ҳисобланади.

Солиқларни режалаштириш – бу солиқ қонунчилиги доирасидан четга чиқмаган ҳолда, амалдаги солиқ имтиёзларидан ҳамда бошқа самарали усуллардан фойдаланиб, корхоналарнинг солиқ мажбуриятларини камайтириш ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, солиқларни режалаштириш корхоналарда солиқ мажбуриятларини мумкин бўлган максимал даражада камайтиришга қаратилган усуллардан самарали фойдаланишни ўзида намоён этади.

Таъкидлаш мумкинки, иқтисодий адабиётларда келтирилган мулоҳазалар ҳам солиқларни режалаштириш моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади. Масалан, Евстигнеевнинг фикрича, "Солиқларни режалаштириш – бу давлат томонидан тақдим этилган солиқ имтиёзларидан ва солиқларни қонуний айланиб ўтиш мумкин бўлган усуллардан фойдаланиб, солиқ мажбуриятларини камайтиришга қаратилган бошқарув юсулидир"². Шунингдек, С.Элмирзаевнинг фикрига кўра, "Солиқларни режалаштириш – қонунчилик томонидан тақдим

² http://www.elitarium.ru/2009/10/21/nalogovoje_planirovaniye.html

этилган энгилликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа қонуний усулларида фойдаланган ҳолда дасолиқ ва уларга тенглаштирилган тўловларни камайтириш бўйича белгиланадиган молиявий режалаштириш туридир"³.

Умуман олганда солиқ тизимида турли соҳа, фаолият ва ҳудудлар учун солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари, солиққа тортиладиган базаларни ҳисоблашнинг усуллари, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина солиқларни режалаштириш ишларини амалга ошириш мумкин. Масалан, мамлакатда кичик бизнес субъектлари учун соддалаштирилган ёки умумбелгиланган тартибда солиқларни тўлаш имконияти мавжуд. Ушбу солиққа тортиш режимидан қайси бири камроқ миқдорда солиқ тўлаш имконини беришига қараб ўша режимга ўтиш солиқларни режалаштиришга мисол бўлади.


Корхоналарда солиқларни режалаштириш стратегик молиявий режалаштиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг асосий мақсади солиқ қонунчилигининг барча хусусиятларидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловларини минималлаштириш ҳисобланади.

Солиқларни режалаштиришни самарали ташкил этиш уни амалга оширувчи мутахассисларнинг солиқ мажбуриятларини максимал даражада қисқартириши мумкин бўлган қонуний усуллардан, давлат томонидан тақдим этилган имтиёзларда қонунчиликдаги айрим бўшлиқлардан оқилона фойдалана олиш ҳамда солиқларни режалаштириш принципларга қатъий амал қилиш имкониятига бевосита боғлиқдир.

Умумий ҳолда корхоналарда солиқларни режалаштириш тамойиллари сифатида қонунийлик, профессионализм, солиқларни оптималлаштириш ва минималлаштиришларни келтиришимиз мумкин.

³ Элмирзаев С.Э. Ўзбекистон Республикасида корпоратив солиқ менежментини ривожлантириш истиқболлари. И.ф.н. илмий.дар.олиш учун тақдим этилган дисс.автореф. – Т., 2012. – 9 б.

Солиқларни режалаштириш жараёни солиқ мажбуриятлари камайишини кафолатловчи, бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги босқичларни ўз ичига олади (1-расм).



1-расм. Корхоналарда солиқларни режалаштириш босқичлари*

*Муаллиф томонидан тайёрланди

Биринчи босқичда бизнесни ташкил этиш тўғрисида ғоя яратилади. Бизнесни ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилади ҳамда конунчилик томонидан тақдим этилаётган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақидаги масалалар кўриб чиқилади ва бу бўйича қарорлар қабул қилинади.

Иккинчи босқичда солиқ юки пастроқ бўлган ҳудудлар ўрганиб чиқилади ва корхона фаолияти учун улардан энг кулайи танланади.

Учинчи босқичда хўжалик субъекти учун энг қулай ташкилий-ҳуқуқий шакл танланади ва бу орқали солиқ юки пастроқ бўлган солиққа тортиш режимига ўтиш имкониятлари аниқланади.

Тўртинчи босқичда жадвал тузилиб, унда солиқларнинг ҳар бир тури бўйича кўрсаткичлар аниқланади. Ҳар бир солиқ тури бўйича амалдаги имтиёзлар ўрганилади ва улардан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинади. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича пухта ўйланган режа тузилади. Корхоналар молиявий ҳолатига солиқларнинг таъсири таҳлил қилинади.

Бешинчи босқичда корхоналарда солиқларни инобатга олган ҳолда шартномавий муносабатлар тизими шакллантирилади. Бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини юритиш жараёнида хизмат қилувчи хўжалик операциялари кундалиги тузилади.

Олтинчи босқичда солиқлар билан боғлиқ корхона зиммасига тушадиган молиявий йўқотишларни назарда тутадиган турли хил вазиятлар таҳлил қилиб чиқилади ҳамда корхона фойдасини солиққа тортишни инобатга олган ҳолда максимал фойда олиш учун корхона активлари самарали жойлаштирилади.

Еттинчи босқич корхоналарда солиқ муносабатларини бошқариш билан бевосита боғлиқ. Солиқ менежменти солиқларни режалаштиришни, солиқ тўловларини минималлаштиришни, солиқ муносабатларини оптималлаштиришни, ички солиқ назоратини ташкил этишни, солиқ хатоларини бартараф этишни, бухгалтерия ва солиқ ҳисоб-китобларининг тўғри бажарилиши устидан назоратни ўз ичига олади. Солиқ хатоларини камайитиришнинг энг асосий усулларида бири ички солиқ назорат технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади.

1.2. Солиқларни режали тартибга солиш орқали бюджет даромадларини барқарор ўсишини таъминлашни аҳамияти

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида солиқларнинг тартибга солувчилик функциясига катта эътибор бериб келинмоқда. Иқтисодий

тараққийнинг ҳозирги босқичида, Ўзбекистонда ҳукуматнинг иқтисодий солиқлар воситасида режали тартибга солиш сиёсати йўналишларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишларини солиқларни режалаштириш орқали тартибга солиш сиёсати таъсирида ривожлантиришга эришиш;

- устувор тармоқларни солиқларни режалаштириш воситасида тартибга солиш сиёсати орқали ривожлантиришга эришиш;

- ижтимоий аҳамиятга молик соҳаларни солиқларни режалаштириш воситасида тартибга солиш сиёсати таъсирида ривожлантиришга эришиш.

Умумиқтисодий ўсиш ва барқарорликка эришишда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг устувор йўналишларини солиқларни режалаштириш орқали тартибга солишда давлат томонидан таянч иқтисодий йўналишлар танланади. Бу тадбир қуйидаги йўналишларни ривожлантиришни ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

- кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш;

- илмий-техник тадқиқотлар билан шуғулланиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини саноатда қўллаш;

- инвестицион фаолиятларга, ижтимоий зарарли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар фаолиятини билвосита чеклаш;

- ер усти ва ер ости бойликларидан самарали фойдаланишни тартибга солиш.

Устувор тармоқларни солиқларни режалаштириш воситасида тартибга солиш сиёсати орқали ривожлантиришда халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати, енгил ва маҳаллий саноат соҳаларини, болаларбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, туризм соҳасини ривожлантириш, теннис ва футболни қўллаб-қувватлаш фондлари фаолиятини солиқли

рағбатлантириш каби давлат аҳамиятига молик тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалиётга тадбиқ этилади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ижтимоий сиёсати барча жабҳаларда ўзини намоён этади. Жумладан, жамиятда таълим-тарбия, соғломлаштириш тадбирлари, аҳолининг уй-жой таъминоти, нафақахўрлар, ногиронар, меҳнат ва уруш фахрийлари, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, ёш болали ва боқувчисини йўқотган кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли айрим қатламлари даромадларини қайта тақсимлаш ва тартибга солиш чоралари солиқ қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

Шуниси диққатга сазаворки, солиқ қонунчилигида солиқларнинг тартибга солувчилик ролига урғу берувчи асослар яратилганига қарамасдан, биз таҳлил этаётган юридик шахслар фаолиятида ўшбу солиқ имтиёзлари доирасига тушишга, пасайтирувчи ставкаларда солиққа тортилувчи фаолиятлар билан шуғулланишга ўтиш, солиқ юкидан четланиб ўтишнинг қонуний йўллари излаб топиш усуллари қарийб учрамайди.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солиш сиёсатининг самарадорлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ менежменти элементларига қай даражада эътибор қаратишларига ҳам тўғридан-тўғри боғлиқ. Солиқларни режалаштириш ва режалаштириш нима? Унинг қандай вазифалари мавжуд? Солиқларни бошқариш самарадорлиги қандай омилларга боғлиқ? Корхоналарда солиқларни режалаштиришнинг қўллашнинг қандай аҳамияти бор?

Солиқларни бошқариш - солиқтўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини қонун доирасида қисқартиришга қаратилган хатти-ҳаракатлари йиғиндисидир. Солиқ юкидан (қонунчиликка хилоф бўлмаган тарзда четлаб ўтиш, шунингдек солиқ қонунчилигида белгиланган имтиёзларга эга бўлиш ёки солиқ мажбуриятларини чегаралашга қаратилган махсус усуллари қўллаш солиқ тўловчига жарима солишга сабаб бўла олмайди. Солиқларни режалаштиришнинг устунлиги шу билан асосланадики, бунинг натижасида

солиқ мажбуриятларининг қисқартирилишига қонунларни бузмаган ҳолда эришилади. Солиқларни режалаштириш корхоналар муваффақиятини таъминлаш учун таянч фаолият турларидан бири бўлиб, қуйидаги вазифаларни бажаради:

- солиқли режалаштириш;
- солиқли мотив;
- солиқли назорат.

Солиқларни режалаштириш муаммолари фақатгина микродоирадаги хатти-ҳаракатларни ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, солиқ менежменти, бу - корхоналар томонидан давлатнинг иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш сиёсатига нисбатан жавобдир.

Солиқларни режалаштириш масаласининг ўрганилишида шу солиқ менежменти самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар хусусиятини тўғри баҳолаш солиқларни режалаштириш самарадорлигини қуйидаги омиллар асосида ўлчаш мақсадга мувофиқдир:

- қонун доирасидан чиқмаслик;
- юқори даражадаги солиқли манфаат;
- кам сарф-харажат;
- нисбатан қисқа вақт;
- ижтимоий масъулият.

Солиқ менежменти - ижодий жараён бўлиб, бир қатор ўзаро боғлиқ босқичлар асосида амалга оширилади.

Биринчи босқичда, корхонанинг солиқ нуқтаи-назаридан жойлашган ўрни аниқланади. Бунда «солиқ саҳро»лари, мавжуд солиқ режими, даромадларнинг бир мамлакатдан иккинчисига солиқсиз ўтказилиш имконияти, солиқ кредитига эга бўлишнинг имкониятлари ва шартлари, халқаро солиқ шартномалари шартлари каби солиқ ҳуқуқининг алоҳида ҳолатлари эътиборга олиниб таҳлил этилади.

Иккинчи босқич доирасида юридик шахснинг оптимал ташкилий-ҳуқуқий шакли ва унинг солиқ режими билан ўзаро боғлиқлиги аниқланади. Корхона қандай фаолият юритиши ва қандай солиқ режимида мавжудлигига боғлиқ равишда солиқ мажбуриятлари ўзгартирилиши мумкинлиги ўрганилиб чиқилади.

Учинчи босқич, тактик (қисқа муддатли) солиқли режалаштиришни ўзида акс эттириб, жорий ишбилармонлик фаолиятида солиқ имтиёзларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланиш ташкил этилади. Бу ерда шартномаларни режалаштириш, барча асосий солиқ турлари бўйича имтиёзлардан фойдаланиш, солиқ қонунчилиги ўзгаришларига оператив мослашув, корхона ички ташкилий тузилмасини қайта қуриш, жорий солиқ мажбуриятларини имкон қадар камайитириш ва шу каби масалалар ечилади.

Солиқларни режалаштиришнинг тўртинчи босқичида корхона активлари ва фойдасини солиқ мақсадларида бирмунча оқилона жойлаштириш олиб борилади. Кўпчилик ҳолларда корхона фойдаси ва капиталини тўғри жойлаштириш, инвестицион сиёсатни оқилона танлашнинг ўзигина корхонани кўшимча имтиёзларга эга қилиб қўяди. Стратегик солиқ менежменти айнан ана шу юридик шахснинг фаолият турини танлаши, янги, қулай инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиши каби муҳим масалани ўз зиммасига олади.

Самарқанд вилоят Пайариқ тумани корхоналарида солиқ менежменти кулланилиши, корхоналарнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, уларга солиқларнинг таъсири ўрганиб чиқилганда бу борада ўзининг ижобий ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжудлиги кўзга ташланди. Ушбу изланишнинг натижаларини таҳлил қилиб, мамлакатимиз корхоналарида солиқ менежменти кўникмаларини шакллантириш ва амалда қўллашнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини кузатиш мумкин.

Солиқ қонунчилиги ўзгариши анъаналарининг таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, Ўзбекистонда юридик шахслар фаоллигини солиқли рағбатлантириш охирги беш йилда айниқса, кенг тус олди. Фойда (даромад) солиғи асосий

ставкаси 38% дан 30% га қадар пасайтирилди. Кичик корхоналар учун Ягона солиқ, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун Ягона Ер солиғи жорий этилиши, қатор янги имтиёзлар киритилиши, мавжуд имтиёзлар миқёсининг кенгайтирилиши фикримизнинг далилидир. Аммо, шунга қарамадан, Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари танқидий ўрганиб чиқилганда бир қатор салбий ҳолатларни кузатиш мумкин бўлди.

Самарқанд вилояти Пайариқ тумани қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар ниҳоят ижобий натижаларини намоён қилмоқда. Охириги уч йил давомида 100 сўмлик товар маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари 114,9 сўмдан 2016 йилда 90 сўмгача пасайди. Бу кўрсаткич 2015 йилда 103,2 сўмга тенг бўлган эди. Худди шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолияти самарадорлик кўрсаткичларидан фойдалилик ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам ижобий томонга силжимоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат ва иш ҳақи тўлаш бўйича маълумотлар таҳлил этилганда қуйидаги хулосаларга келинди:

- ўртача иш ҳақи йил сайин ошиб бораётганига қарамай, қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг сони ҳам йил сайин камайиб борапти. Бу ерда асосан икки сабабни келтириш мумкин. Биринчиси, соҳада йиғилиб қолган бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўлса, иккинчиси ишловчиларнинг сезиларли салмоғи хусусий тадбиркорлик соҳаларига ўтиб ишлаётганлигидир;
- иш ҳақи фонди ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш ҳажмлари орасида бевосита боғлиқлик йўқ. Бундай ҳолни айниқса, 1999 йилда кўпроқ кузатиш мумкин.

Умуман олганда, камчилик ва муаммоли вазиятларни бартараф этишда корхоналарнинг ўзлари ҳам қўл қовуштириб ўтирмасликлари, солиқларнинг фискаль ролига хос салбий таъсирини енгиб ўтишда солиқларни бошқариш ва режалаштириш кўникмаларини амалда қўллаш учун ҳуқуқий-иқтисодий вазият етиб келганлигига эътиборни қаратиш муҳимдир.


1.3. Солиқларни режалаштириш орқали солиқ тизимини барқарор ривожланиши учун олиб борилаётган туб ўзгаришлар

Солиқ тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар биринчи навбатда иқтисодийни модернизациялаш талабларига тўлиқ жавоб бера олиши лозим. Бунинг учун эса, ривожланган солиқ тизимлари тажрибалари асосида қуйидагиларга эришмоқ талаб этилади.

Биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини камида ўрта муддатли даврга режалаштира олиши ва ривожланишининг истикболини аввалдан билишига имконият яратадиган солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш зарур. Ҳозиргача мамлакат солиқ тизимининг барқарорлигига эришилганича йўқ, аксинча, сўшти пайтларда Солиқ кодексига ва бошқа солиққа оид қонун ҳужжатларига жуда кўп ўзгартишлар киритилмоқдаки, улар солиқларни турлари кесимида прогнозлаштирилиши ҳам таъсир этмоқда. Солиқларни режалаштириш тартиби прогнозли хусусиятга эга бўлиб қолмоқда. Шу боис солиқларни режалаштириш ва режалаштиришга тобе бўлмаган солиқ турини аниқлаш уни ҳар томонлама ўрганиш орқали режалаштириш доирасига чиқариш борасида чора-тадбирлар қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Солиқларни режалаштириш кўп жиҳатдан амалдаги қонуниятлар ва уларни бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашга боғлиқ бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, биргина Солиқ кодексига киритилган ўзгартишларни кўриб чиқадиган бўлсак (1-диаграмма), уларнинг сони йилдан-йилга пасайиб бораётганини кузатиш мумкин.

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, янги таҳрирдаш Солиқ кодекси қабул қилинганидан буён унга жами 596 та ўзгартишлар киритилган. Ўзи аслида, 1998 йилда қабул қилинган эски (биринчи) Солиқ кодексининг бекор қилинишига сабаб, унинг солиқ муносабатларини бевосита тартибга солишга қодир бўлмай қолгани, жуда кўп ўзгартишларга дучор бўлгани эди.

2008-2016 йиллар мобайнида Солиқ кодексига киритилган ўзгартишлар сони

* Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга асос бўлган қонунлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Бироқ, янги тахрирдаги Солиқ кодексини пухта ишлаб чиқиш учун роппа-роса 3 йил кетганига⁴, яна 2 йил мобайнида уни такомиллаштиришни кўзда тутувчи ўзгартишлар киритишга рухсат берилгашга қарамасдан ҳанузгача бу жараён охирига етказилмаган. Бу эса республика солиқ тизими барқарорлигани таъминлашнинг объектив зарурлигини тақозо этади.

Иккинчидан, иқтисодиётда соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида солиқ юки адолатли тақсшганиши лозим. Бироқ, ҳозирги кунда бу муаммо лозим даражада ҳал қилинган деб бўлмайди. Чунки, солиқ тизими кўп сонли солиқ режимларидан ташкил топгани ҳолда жуда табақалашиб кетган. Мазкур солиқ режимларида солиққа тортиш даражаси турлича бўлгани сабаб, иқтисодиётда


⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).

солиқ юки нотекис тақсимланган. Бундан ташқари, хўжалик субъектларининг айрим тоифаларига (баъзи ҳолларда ҳатто индивидуал тарзда) жуда кўп ва сурункали тарзда солиқ имтиёзлари бериб юборилмоқдаки, бу улар ўртасида тенгсиз рақобат шароитини юзага келгўймоқда. Бугунга кунда Ўзбекистонда солиққа тортиш умумий ҳолда, 20 дан ортиқ солиқ режимлари асосида амалга оширилмоқда. Турли солиқ режимларида солиқлар сони, таркиби, объекти, базаси, ставкалари, имтиёзлар, тўлов муддатлари ва бошқа элементлар фарқланади. Махсус солиқ режимлари солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибидан ўзининг имтиёзлилиги ёки кучайтирилганлиги билан ажралиб туради ва шу сабабдан солиқ режимлари бўйича солиқ тўловчиларининг солиқ юки даражаларида сезиларли фарқланиш кузатилади.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда республикада тадбиркорлик субъектларининг даромадларини солиққа тортиш турли хил ставкалар асосида амалга оширилгани ҳолда жуда табақалаши бормоқда (2-диаграмма).

2-диаграмма

Хўжалик субъектларининг даромадларига (фойдасига, ялпи тушумига) нисбатан кўзда тутилган солиқ ставкалари сони



Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарорлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Диаграммадан кўринадики, 2008 йилда бизнес субъектларининг даромади, фойдаси ёки ялпи тушумига нисбатан 20 хил ставкалар амал қилган бўлса, бу рақам 2011 йилда 24 та, 2013 йилда 27 та, 2015-2017 йилларда эса 28 та атрофида қолиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, соддалаштирилган тартибда тўланадиган яна бир солиқ, яъни қатъий белгиланган солиқнинг ўзи ҳам умумий ҳолда 42 хил ставкалар асосида табақалаштан тарзда амал қилади. Фоизли ва қатъий белгиланган ставкаларни биргаликда ҳисобга оладиган бўлсак, республикамизда хўжалик субъектларининг даромадларига ҳар хил солиқ режимларига бирлаштирилган 70 дан ортиқ ставкаларда солиқ солинаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Солиққа тортиш тизимининг бундай табақаланиши, албатта, айрим тоифа тадбиркорлик субъектлари даромадини режалаштириш имконияти мураккаблигидан (қатъий белгиланган солиқ тўловчилар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари), бошқаларини эса солиқ воситасида рағбатлантириш (кичик бизнес ва қишлоқ хўжалиги корхоналари) заруратидан келиб чиқади. Бироқ, бу ҳолат солиққа тортишнинг умумийлиги, адолатлилиги ҳамда солиқ тизимининг ягоналига принципларидан оғигдишга олиб келмоқда.

Учинчидан, солиққа торташ механизмларининг қайишқоқлигини таъминлаш зарур. Аслида мазкур муаммо, биз юқорида кўриб чиққан иккита муаммонинг юзага келишига потенциал сабаб ҳисобланади. Гап шундаки, солиқ тизимининг нобарқарорлиги муаммоси, юқорида кўриб чиққанамиздек, солиқ қонунчилигага тез-тез киритилаётган ўзгартиришлар сабабли юзага келмоқда. Ўзгартиришлар эса, айрим солиқ механизмларининг даставвал чуқур илмий асосланмаган ва хориж тажрибаларига таянмаган ҳолда жорий килингани оқибатида киритилмоқда. Ушбу ҳолат бевосита солиқларни мавжуд турлари бўйича режалаштирилишига таъсир этмоқда.

Айниқса, солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимидаги ягона солиққа тортиш механизми ноқайшқоқ механизми ҳам солиқларни режалаштиришга салбий таъсир этмоқда. Чунки, 1998 йилда микрофирма ва кичик корхоналар

учун солиқ солишнинг ихчамлаштирилган тизими киритилганидан буён биронта йил йўқки, ушбу тизимга ўзгартиришлар киритилмай қолган бўлса. Солиққа тортишдаги табақалашув ҳам 2-диаграммада кўрганимиздек, айнан ягона солиққа тортиш тизимида кучайиб бормоқда. Бу эса бюджет даромадларини барқарор ўсишига имконият бермаяпти. Ушбу ҳолатни ўрганиш мақсадида солиқ тўловларини ҳисоблаш, бошқариш, уни механизмлари ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаш масалаларини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш талаб этилади. Ишимизнинг кейинги параграфларида ушбу масалаларга батафсил тўхталиб ўтишни муҳим деб билдик.

II-Боб. Солиқларни режалаштириш орқали бюджет даромадларини барқарорлигига таъсир этувчи омилларни минималлаштириш
2.1. Солиқ кодексида ягона солиқ тўловини солиқ объектларини тўлиқ қамраб олмаслигини бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашга таъсири

Қонунчиликда келтирилган «ягона солиқ» ўзи якка-ёлғиз корхонанинг солиқ объектларини тўлиқ қамраб ололмаслига сабабдан ҳар доим қўшимча солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар билан параллел татбиқ қилиб келинди. Сўнгги йилларда эса, ягона солиқ тўлови (ЯСТ)ни ҳисоблаб чиқишнинг бир қатор энг кам (базавий) миқдорлари жорий этилдики (1-жадвал), бу «соддалаштирилган» солиққа тортиш тизимини амалда мураккаблаштириб юборди.

1-жадвал

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқишдаги базавий меъёрлар тавсифи*

Базавий меъёр киритилган сана	Базавий меъёр татбиқ қилинадиган солиқ тўловчилар тоифаси	Қўлланадиган базавий меъёрнинг хусусияти	Базавий меъёр ўзгартирилган (бекор қилинган) сана
2009 йил 1 январ	Аввал хусусийлаштирилган корхоналар – сотиш ҳажми сўнгги 2 чоракда объектив сабабларсиз мулк ва ер солиғининг мўлжалдаги ўн карра миқдоридан камроқ суммани ташкил этган солиқ тўловчилар	Солиқ органи билдиришномаси орқали белгиланган солиққа тортиш режимига ўтадилар	2012 йил 1 январдан бекор қилинган
2010 йил 1 июл	Чакана савдо корхоналари хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар	ЯСТни айнан шундай фаолият учун якка тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар	2013 йил 1 январдан ўзгарган
2011 йил 1 июл	Ягона солиқ тўловчи корхоналар (чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)	ЯСТни эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар	2013 йил 1 январдан ўзгарган
2012 йил 1 январ	Юк ташиш билан шуғулланувчи ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар	ЯСТни худди шундай фаолият учун якка тадбиркорлар тўлайдиган солиқ ставкаларидан келиб	2013 йил 1 январдан бекор қилинган

		чиқиб, ҳар бир транспорт воситасини ҳисобга олган ҳолда тўлайдилар	
2013 йил 1 январ	Ягона солиқ тўловини тўловчи барча шахслар учун (чакана савдо корхоналари бундан мустасно)	ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисоблаш учун база – улар эгаллаб турган ер участкаси майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч карра миқдоридан белгиланади	Амалда

* Солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, солиққа тортишлаг и энг кам миқдорлар амалиёти ҳам айнан ягона солиқ механизмига жорий этилмоқда, нафақат жорий этилмоқда, балки бу борада бир тўхтамга ҳам келиб бўлмаяпти. Бунинг сабаби, фикримизча, биз юқорида таъкидлаганимиздек, ягона солиққа тортиш механизмининг чуқур илмий-назарий асосга эга бўлмаганидадир.

Бу каби базавий меъёрлар киритилиши тадбиркорлик субъектлари солиқдан қочишларига қарши тўсиклар қўйиш мақсадида амалга оширилаётганини англаб олиш қийин эмас. Базавий меъёрлар амалиёти қайсидир гуруҳ (айтайлик, виждонсиз) солиқ тўловчилардан «ҳеч бўлмаганда» қабилида бюджетга маълум бир минимал миқдордаги суммасини ундиришни таъминлаётган бўлиши мумкин, бироқ бошқа гуруҳ тартибли солиқ тўловчилар зиммасига улар ҳақиқатда тўлаши лозим бўлган ортиқча солиқ юкига сабаб бўлмоқда. Буни шартли рақамлар асосида физик объектлари ҳар хил бўлган корхоналар мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Жадвалдан кўринадики, эгаллаган ер участкаси майдони 0,07 га бўлган А корхонанинг тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммаси 800,0 минг сўмни ташкил қилгани ҳолда солиқ юки ҳақиқий солиқ базасига, яъни ялпи тушумга нисбатан фоизни ташкил қилган. В корхонада эса ЯСТ юки ялғи тушумга нисбатан 8,1 фоиз бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу корхонада солиқ юкининг ортиқча 2,1 тгункт фоизи, ажбатта, ер солиғининг уч карра миқдоридан келиб чиқадиган

базавий меъёр оқибатида юзага келган. Яъни корхона ўз ялпи тушумига нисбатан ҳисоблаб чиқилган 440,0 минг сўм ЯСТдан ташқари, яна 105,1 минг сўм «ер солиғи»ни ҳам тўлаган. Энди С корхонани оладиган бўлсак, ялпи тушумини камайтириб кўрсатиш имконини топган бу корхонанинг солиқ юки ҳақиқий солиқ базасига нисбатан 1,1 пунктга (6,0-4,9) кам бўлган.

2-жадвал

Ягона солиқ тўловчи корхоналарда солиқнинг энг кам базавий миқдор асосида ҳисобланишида солиқ юки шаклланиши*

т/р	Кўрсаткичлар	А корхона	В корхона	С корхона
1	Корхонанинг ҳақиқий тушуми	30000000	6000000	10000000
2	Ҳисоботда кўрсатилган ялпи тушум	30000000	6000000	8000000
3	ЯСТ ставкаси	6%	6%	6%
4	Ялпи тушумдан ҳисобланган ЯСТ(2с.х 3с.)	800000	440000	560000
5	Эгаллаб турган ер участкаси майдони, га	0,07	0,05	0,06
6	Ер солиғи ставкаси - 1 га учун	8501184	8501184	8501184
7	Ер солиғининг уч карра миқдори - ЯСТнинг базавий миқдори (6 с. х 5 с. х 3)	655083	525059	590071
8	ЯСТнинг базавий меъердан фарқи(7с. -4 с.)	-344917	105059	50071
9	Тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммаси	800000	525059	590071
10	Ошкор қилинган солиқ базасига нисбатан солиқ юки (9с./2с.х100)	6%	8,1%	6,5%
11	Ҳақиқий солиқ базасига нисбатан солиқ юки (9с./1с.х100)	6%	8,1%	4,9%

* Шартли рақамлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Яна бир нарсга эътиборни қаратиш керакки, киритилган базавий меъёрлар (шу жумладан, бекор қилинганлари ҳам) асосан солиқ солишнинг мулкӣ объектларига боғлаб қўйилган. Бундан хулоса қилиш қийинмаски, тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда солиқ объекти сифатида фақат сотиш ҳажми, ялғш даромад ёки фойда категориялари эмас, балки ер

ва бошқа мулкӣ объектлар ҳам ҳисобга олишшги лозим. Акс ҳолда бюджет даромадларини мустаҳкамлаш ва барқарор ўсиш имконияти саёзлашади.

Солиқ қонунчилигимизда кичик бизнес субъектларига солиқ режимини ихтиёрий танлаш ҳуқуқи берилганидан келиб чиқадиган бўлсак, амалдаги ягона солиққа тортиш механизми мураккаблашиб бораётган экан, «нимага микрофирма ва кичик корхоналар умумбелгиланган солиқ режимига ўтиб кетмаяпти?» деган табиий бир савол туғилади. Бунинг сабаби, умумбелгиланган солиқ режимида солиқлар сонининг кўплиги ва ставкаларининг юқорилигидир. Бундан ташқари, умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоботлар ҳам мураккабликда ягона солиқ тўловиникидан ўтса-ўтадики, лекин қолишмайди.

2.2. Солиқ ҳисобини тўғри ташкил этиш орқали солиқ суммаларини минималлаштириш омиллари

Мамлакат корхоналари амалиётида солиқдарни бошқариш жараёнида солиқ ҳисобини самарали ташкил этиш, солиқлар ҳисоботлари тўғрилиги устидан назорат қйлиш, амалдаги қонунчилик доирасида солиқ суммаларини минималлаштиришга асосий урғу бериш солиқ мажбуриятларини белгиланган тартибда бажарилишига замин яратади.

Маълумки, солиқ ҳисоботларида аниқланган хатолар учун давлат солиқ хизмати органлари томонидан катта жарима ва санкциялар кўлланилади. Бу эса, ўз навбатида, корхоналар молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Умуман олганда, солиқ хатолари юзага келишининг асосий иккита сабаби мавжуд: биринчиси, корхоналарда етарлича молияга эга бўлмаган ходимларнинг фаолият юритиши бўлса, иккинчиси, мамлакат солиқ қонунчилигининг нобарқарорлик хусусиятга эга бўлиши.

Бугунги кунда кўплаб корхоналарда солиқ тўловларини минималлаштириш мақсадида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, солиққа тортиш мақсадида корхоналарда райарали молиявий-ҳисоб сиёсатини ишлаб

чиқиш ва амалга ошириш ҳамда солиқ тўловлари муддатлари устидан назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Корхоналарда солиқ юкини камайтириш биринчи навбатда солиқлар бўйича давлат томонидан тақдим этилган амалдаги барча имтиёзлардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, солиққа тортиш мақсадида пухта ўйланган молия-ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш солиқларни самарали режалаштиришнинг йўналишларидан биридир. Шунингдек, белгиланган муддатларда солиқларни тўламаслик пеня кўринишидаги жарима ва санкцияларни келтириб чиқаради. Шунинг учун корхоналарда солиқ ҳисоби ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида солиқ календарини тузиш ва ундан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Солиқ календарини тузишда солиқ тўловлари муддатларини, тўловларни банк орқали ўтказиб бериш учун кетадиган вақтни ва бошқа омилларни инобатга олиш лозим.

Таъкидлаш мумкинки, корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнида юқорида келтирилган жиҳатларга корхона молиявий масалалар бўйича раҳбарларининг қатъий амал қилиши ҳамда уни жорий этиш кетма-кетлигига алоҳида эътибор бериш фаолият жозибадорлигини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, корхоналар молиявий ҳолатининг барқарорлашишига ҳамда давлат бюджетига солиқ тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ тушишига хизмат қилади.

Солиқларни бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлашни такомиллаштириш асосий йўналишларининг яна бири солиқ тушумлари даражасининг режалаштирилиши ва прогнозлаштирилиши билан боғлиқдир. Бунинг учун солиқ тушумларини режалаштириш жараёнида ҳозирги пайтда амалга оширилаётган ишларга қўшимча равишда яна қуйидагиларни ҳисобга олмоқ лозим:

а) ҳудудий мулкнинг даромадлилигини (минтақанинг молиявий жиҳатдан таъминлаганлик ва бюджет самарадорлиги коэффицентларидан фойдаланиш орқали), минтақа ихтисослашган тармоқларининг техникавий янгилашишига эҳтиёжини, меҳнатга ҳақ тўлашнинг аҳволини, минтақанинг

ресурс базасини, ҳудуднинг экспорт-импорт операцияларини амалга оширишдаги иштирокини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг сифатини, транспорт магистраллари билан таъминлаганлигини ва ҳ.к.ларни баҳолаш;

б) минтақанинг иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда солиқ тушумларининг ҳажмини режалаштириш;

в) вилоятлар иқтисодиётининг ресурсларини ташкил қилувчиларни ва мулкларнинг турларини инвентаризация қилиш асосида уларнинг (вилоятларнинг) ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини режалаштириш. Ҳудудий мулкдан фойдаланишдан олинадиган маблағлар ва ички эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиладиган, шу жумладан, марказлашган ҳолда ҳудудидан чиқиб кетаётган маблағларнинг ҳиссасини (салмоғини) аниқлаш. Умумдават, корпоратив ва шахсий иқтисодий манфаатларни мувофиқлаштириш механизмига ва мулкчилик муносабатларига объектив зарурий ўзгаришлар киритиш;

г) солиқ тушумларини режалаштириш жараёнида бюджет тақчиллиги, инфляция даражаси, баҳолар индекси ва бозор индикаторлари каби омилларни ҳисобга олиш;

д) солиқ тўловчиларининг бюджет билан бўладиган ўзаро муносабатларидаги ижобий ва салбий қолатларни ҳар томонлама ўрганиш, шу муносабатлар ривожланишининг қонуниятларини аниқлаш;

е) солиққа тортиш бутун тизими, унинг алоҳида элементлари ва алоҳида олинган молиявий-хўжалик фаолиятининг кўрсаткичларига ва аксинча таъсирини аниқлаш мақсадида бюджет-солиқ муносабатлари тизимида таҳлилни амалга ошириш;

ё) кўзда тутилмаган иқтисодий: молиявий, бюджет ва солиқ вазиятлари, мол-мулк солиғини тўловчиларнинг мақсади ва бюджетнинг мақсади ўртасидаги узилишларнинг вужудга келиш эҳтимолини тахминий

баҳолаш. Уларни маълум даражада юмшатиш ва уларга тўлиқ бархам бериш бўйича чоралар тизimini ишлаб чиқиш.

Фикримизча, юқоридагиларда ўз ифодасини топган муаммоларни тўлиқ ҳал этмасдан (ҳисобга олмасдан) туриб солиқларни бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлашни, бинобарин, халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган вазифаларнинг ўз вақтида тўлиқ бажарилишини таъминлашнинг имкони йўқ. Бунинг айнан шун дай эканлигини Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро, юридик ва жисмоний шахс ҳар бир солиқ тўловчи тўлиқ идрок этмоғи лозим.

2.3. Солиқларни режалаштириш орқали бюджет даромадларига ўз вақтида ва белгиланган миқдорда тушишига таъсир этувчи омиллар

Ўзбекистонда истиқомат қиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига мос келадиган ва умумдават аҳамиятига эга бўлган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши, кўп жиҳатдан, солиқларнинг бюджетга ўз вақтида белгиланган суммаларда туриш туришига боғлиқ. Чунки ҳукуматимиз томонидан халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган вазифалар қўйилса-ю, улар белгиланган тартибда молиявий жиҳатдан таъминланмаган бўлса, бу вазифалар қоғоздаги вазифалар бўлиб қолаверади ва уларни амалиётда тўлиқ бажариб бўлмайди. Шу сабабли мол-мулк солиғи бюджетга ўз вақтида ва белгиланган миқдорда тушиб туриши ҳамда халқимиз манфаатларига мос келадиган вазифаларнинг бажарилиши бири-бири билан боғлиқ бўлган масалалар эканлигини эътироф этишимиз зарур.

Пайариқ тумани ДСИ ходимлари томонидан амал оширилган таҳлил натижалари солиқларни ўз вақтида ва белгиланган миқдорда тушиб туришига салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги омилларнинг мавжуд эканлигини кўрсатди:

- умумдават ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларни бюджетга ундиришининг йил чораклари бўйича режаларини вилоятлар ва туманларда

мавжуд бўлган корхоналарнинг (солиқ тўловчиларнинг) реал молиявий аҳоли билан мувофиқлаштирилмаганлиги;

-умумдават ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларни солиқ тўловчилар томонидан бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўланмаслиги ва молия-бюджет тўлов интизомига риоя қилмаслик ҳолларининг содир этилаётганлиги;

-умумдават ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларни бюджетга ўз вақтида ва белгиланган миқдорда бюджетга тўлаб туришидан бўйин товлаш ҳолатларининг мавжудлиги;

- умумдават ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, солиққа тортиш базасини онгли равишда нотўғри белгилаш, тегишли солиқ ставкаларини нотўғри қўллаш ва бошқа арифметик хатоликларга йўл қўйилиши;

-умумдават ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларни бюджетга йил чораклари бўйича ундирилиши режаларининг нореал, ҳақиқий ҳисоб-китобларга етарли даражада асосланмасдан, субъектив омилларнинг таъсирида тизилишига йўл қўйилиши;

- режаларни тузишда йилларнинг айрим чораклари бўйича режа кўрсаткичларининг сунъий равишда пасайирилиши ва аксинча, бошқа бир чораклар учун тескари тарзда йўл тутилиши;

-тузилган режаларнинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш режалари билан узвий ва етарли равишда боғланмаганлиги;

-солиқ ундиручилар томонидан солиқлар ва йиғимларни ундиришда солиқ тўловчиларининг реал иқтисодий (молиявий) аҳолини ҳисобга олмаслик ҳолларининг содир этилганлиги ва муаммони ҳал этишда сунъий тарзда ёндашишнинг мавжудлиги;

- кўпчилик ҳолларда бир объектив сабабларни ва келгуси даврларда вужудга келиши мумкин бўлган аянчли иқтисодий молиявий) вазиятни

инобатга олмаган ҳолда доимо бюджет манфаатларининг биринчи ўринга қуйилавериши;

- солиқ ундирувчиларда ўз салоҳиятларининг натижаларидан моддий манфаатдор бўлиш хиссининг етарли даражада шаклламаганлиги;

- солиқларни бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда ундирилишини таъминловчи механизмнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги, бу механизм элементларининг “узилишлар” содир этиб, ноносоғлом равишда ишлаётганлиги;

- умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларнинг бюджетга ўз вақтида ундирилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларнинг (жумладан, меъёрий ҳужжатларнинг) етарли даражада такомиллашмаганлиги, уларнинг қисман nobarқарорлик характериға эғалиғи, тез-тез ўзгартирилиб турилганлиғи, уларда ноаниқ ва турли шаклларда талқин қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар (қоида ва тартиблар)нинг мавжудлиғи;

- солиқлар ва йиғимларнинг ундиришиға қаратилган механизмнинг барча ҳолатларида ҳам етарли даражада оддий ва содда эмаслиғи;

- солиқлар ва йиғимларнинг ҳамма вақт ҳам солиқ тўловчилар учун қулай булмаган вақтлар (ҳолатлар)да ундирилаётганлиғи;

- бюджетга тўланиши (ундирилиши) лозим бўлган солиқлар ва йиғималарнинг барча ҳолларда ҳам солиқ тўловчиларға тушунарли эмаслиғи;

- солиқлар ва йиғимларни бюджетга ундириш жараёнида адолатлилик тамойилиға етарли даражада риоя қилинмаётганлиғи ва бу тамойил талабларининг солиқ тўловчилар томонидан онгли равишда бузилаётганлиғи;

- солиқ тўловчилар зиммасиға юклаган солиқ юкининг улар уртасида амалда нотеқис тақсимланмаганлиғи, солиқларни ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тулаб турилишиға ҳаракат қилаётган солиқ тўловчилар учун унинг хаддан зиёд огирлиғи ва солиқлар ҳамда йиғимларни тулашдан турли

йўллар ва воситаларни куллаш эвазига буйин товлаётганлар учун солиқ юки огирлигининг сезилмаётганлиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Таҳлил натижаларига кўра, мол-мулк солиғини ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишдаги асосий ва энг муҳим муаммолар куйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз.

1. Солиқларни бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлашнинг моҳияти, объектив зарурлиги ва аҳамияти солиқ тўловчилар ва солиқ ундирувчилар томонидан тўғри идорк этилишига бевосита боғлиқдир.

2. Солиқларни бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлаш, шак-шубҳасиз, маълум бир механизм орқали амалга оширилиши керак. Фикримизча, бу механизм таркибий жиҳатдан уч қисмдан иборатдир:

- а) солиқ тўловчилар;
- б) солиқ ундирувчилар;
- в) ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўз навбатида, бу механизмнинг ҳар бир таркибий қисмлари бир неча элементлардан ташкил топган. Буларга мувофиқ бу механизмнинг ҳар бир таркибий қисми ва уларнинг элементлари соғлом ва узлуксиз фаолият кўрсатса, ўз фаолиятида узилишлар содир этмасагина, мол-мулк солиғини бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлашга эришиш мумкин.

3. Бир вақтнинг ўзида мол-мулк солиғини бюджетга ўз вақтида тушиб туришини таъминлашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланаётган ёки ишлаб чиқарилаётган пайтда, умумий тарзда Ўзбекистон Республикаси солиқ механизмига хос бўлган ҳолатларга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

4. Мол-мулкни солиққа тортиш жараёнини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий қужжатларни халқаро амалиётда кенг қўлланилиб халқаро ҳуқуқий тамойилларга мослаштириш йўналишида ривожлантириш мол-мулк солиғини бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлашни такомиллаштиришнинг навбатдаги йўналишидир.

III-Боб. Иқтисодий замонвий талаблар доирасида ривожланиши шароитида солиқларни режалаштириш орқали бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашни истиқболи

3.1. Солиқ тўловларини оптималлаштириш орқали бюджет даромадларига мажбурий тўловларни прогнозлаш имкониятлари

Солиқларнинг оптимал ставкасини аниқдаш, кўп жиҳатдан, тадбиркорлик субъектларида солиқ юки муаммосининг самарали ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бу муаммонинг ечими кўп йиллардан буён олимларнинг тадқиқот марказида турган долзарб мавзу ҳисобланади. Бу ҳақда немис давлат арбоби ва олими Л.Эрхард алоҳида тўхталиб: «Тан олиш керакки, фуқаролар ва хўжалик юритувчиларнинг солиқ юкини камайтиришга йўналтирилган хоҳишлари жуда адолатлидир, агар талаб қилинган харажатлар барқарорлишга эришилса ва ишлаб чиқариш унумдорлиги ривожланиши илгариги суръатларда ўсиб борса, солиқни қанчалик пасайтириш имкони мавжудлигини тасаввур этиш ва ҳисоблаш осон бўлади. Фақат шундай йўл билан барчамизни қийнаб келаётган солиқ муаммосини ҳаққоний ва реал ечимига эришиш мумкин», - деб ёзган эди. Демак, солиқ юкини камайтирилишини аввало, икки жиҳатдан, биринчидан, бюджет даромадларша таъсири жиҳатидан ва иккинчидан, ишлаб чиқариш унумдорлишга таъсири жиҳатидан кўриб чиқиш керак. Солиқ юкини камайтириш асосан, солиқ ставкаларини пасайтириш орқали ёки солиқ имтиёзларини кўпайтириш орқали амалга оширилади. Биринчи ҳолатда солиқ юкининг камайтирилиши, солиққа тортиладиган базанинг кенгайиши орқали бюджет даромадларидаги йўқотишларни қоплашни назарда тутса, иккинчи ҳолатда келгусида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши орқали йўқотишларни қоплаш кўзда тутилади.

Бизнинг фикримизча, ҳукуматимиз томонидан солиқ юкини камайтириб бориш бўйича қўйилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишида, хусусан, корхоналар зиммасидаги солиқюкини камайтириш ва шу орқали уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишда энг муҳим

йўналишлардан бири бўлган қўшилган қиймат солиғи ставкасини босқичма-босқич пасайтириб бориш мақсадга мувофиқ. Бунда дастлабки босқич сифатида ҚҚС ставкасини амалдаги 20 фоиздан 18 фоизгача тушириш лозим. Ўз-ўзидан қуйидаги савол туғилиши мумкин: бюджет даромадларида етакчи улушни эгалловчи ҚҚСдан бўладиган тушумларда йирик йўқотишлар юзага келмайдими? Бу саволга жавоб топиш учун бир неча йиллик маълумотларга мурожаат қилиш асосида таҳлил амалга оширилди. Таҳлил учун натижавий омил сифатида қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумларнинг 1995 йилдаги таққослама нархлардаги суммаси, унга таъсир этувчи омиллар сифатида эса, ҚҚС базаси, ҚҚСни тўловчилар сони, ҚҚСнинг ўртача ставкаси ва экспорт-импорт операциялари бўйича сальдо суммаси олинди. Маълумотларни компьютер дастури асосида қайта ишлаш қуйида-ги натижаларни берди (2-расм).

	A	B	C	D
1	НАТИЖАЛАРНИ ЧИҚАРИШ			
2				
3	<i>Регрессион статистика</i>			
4	R қўшиш (тўплами)	0.998069423		
5	R-квадрат	0.996142574		
6	Меъёрлашган R-квадрат	0.994213861		
7	Стандарт хато	253.4175292		
8	Кузатувлар	13		
9		<i>Кoeffициентлар</i>	<i>Стандарт хато</i>	<i>t-статистика</i>
10	Y-кесилиш нуқтаси	-21955.43174	2954.277833	-7.43174
11	X1 ўзгарувчи	0.168038782	0.005910816	28.42903
12	X2 ўзгарувчи	20.34962525	8.235756099	2.470887
13	X3 ўзгарувчи	1136.230309	122.3447403	9.55685
14	X4 ўзгарувчи	0.325552697	0.137989741	2.359253
15	Қиймат даражаси 0.05 бўлганда Стьюдент t-критерийси қиймати			2.306004133
16				
17				

2-расм. Қўшилган қиймат солиғи ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланиш кучи

Корреляция коэффициентларидан кўриниб турибдики, ҚҚС базасининг бир бирликка ошиши (бошқа омиллар ўзгаришсиз қолганда) қўшилган қиймат солиғидан тушумларнинг ўртача 0,168 бирликка ошишига олиб келади, ҚҚС тўловчилар сонининг 1000 тага ошиши ҚҚС тушумларининг ўртача 20,35 бирликка оширади,

ҚҚС ставкасини бир бирликка ошириш эса ҚҚСдан тушумларни ўртача 1169,23 бирликка, экспорт-импорт операциялари бўйича сальдо суммасини бир бирликка, ҚҚС тушумларини ўртача 0,326 бирликка ошириш мумкин. Демак, ушбу омилларнинг ҳар бирини алоҳида, ёхуд якка ҳолда таҳлил этганда энг катта таъсир кучи ҚҚС ставкасига тўғри келади. Шундай қилиб, натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корреляцион боғланишни ифодалайдиган регрессиянинг чизиқли тенгламасини қуйидагича акс эттириш мумкин:

$$Y_x = 0,168x_1 + 20,35x_2 + 1169,23x_3 + 0,326x_4 - 21955,43$$

Буерда: Y_x - ДСҚ бўйича ҚҚС тушумлари, таққослама нархларда

x_1 - ҚҚС базаси, имтиёзларсиз, таққослама нархларда;

x_2 - ҚҚС тўловчилар сони;

x_3 - ҚҚС ўртача ставкаси;

x_4 - Экспорт-импорт сальдоси.

ҚҚСдан тушумларга таъсири бўйича аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун қўшилган қиймат солиғи базаси билан унинг ставкаси ўртасидаги боғлиқликни ҳисоблаб чиқамиз, чунки ҚҚС ставкасининг ўзгариши, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри ҚҚС базасига таъсир этади. Бунда базавий маълумотлардан фойдаланиб, натижавий омил сифатида ҚҚС базаси, унга таъсир этувчи омил сифатида эса ҚҚС ставкаси олинди ва қуйидаги натижаларга эришилди (3-расм):

The screenshot shows an Excel spreadsheet with the following data:

	A	B	C	D
1	НАТИЖАЛАРНИИ ЧИҚАРИШИ			
2				
3	<i>Регрессион статистика</i>			
4	R кўиши (тўплами)	0,851523241		
5	R-квадрат	0,72509183		
6	Меъёрлашган R-квадрат	0,700100179		
7	Стандарт хато	14294,63591		
8	Кузатувлар	13		
9		<i>Коэффициентлар</i>	<i>Стандарт хато</i>	<i>t-статистика</i>
10	Y-кесилув нуқтаси	380089,7296	51679,94363	7,35468545
11	X1 ўзгарувчи	-14639,24304	2717,813149	-5,38640526
12	Қиймат даражаси 0,05 бўлганда Стьюдент t-критерийси қиймати			2,20098516
13				
14				
15				
16				
17				


3-расм. Қўшилган қиймат солиғи ва ҚҚС ставкаси ўртасидаги боғланиш кучи

Таъсир этувчи омил коэффиценти олдида турган манфий белги унинг натижавий омилга нибатан тескари боғланганлигини кўрсатади, яъни ҚҚС ставкасининг ошиши, қўшилган қиймат солиғи базасининг таққослама нархларда камайишига олиб келади. Бунда ставканинг камайтирилиши, ҚҚС базанинг ошишига хизмат қилади, деган хулосага келиш мумкин. Демак, корреляцион боғланишларини қўллаш ёрдамида ҚҚС ставкасининг 18 фоизга туширилиши, ушбу солиқ тури бўйича солиқ тушумларини камайтирмаслиги, аксинча, ҚҚС базасининг кенгайиши ҳисобига, ҚҚСдан солиқ тушумларини кўпайтириш мумкинлигига иқрор бўламиз. Бу эса бюджет даромадларининг ошишига ва энг муҳими, корхоналар иқтисодий фаоллигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқболда мўлжалланган кўрсаткичларини статистик-математик усулларда ишлаб чиқиш давлатнинг узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган стратегик вазифаларини белгилаб олишда катта аҳамиятга эга. Қуйида қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумларнинг 2010 йилгача мўлжалланган прогнозини келтирамиз (3-диаграмма).

3-диаграмма

ҚҚС бўйича тушумларнинг истиқболдаги динамикаси (иккита вариантда, таққослама баҳода)



Кўриниб турибдики, ҳар иккала прогноз вариантыда ҳам ҚҚС солиғи бўйича тушумлар таққослама нархларда ўсиш тенденциясига эга. Биринчи вариантдаги ўсиш суръатларига нисбатан иккинчи сценарий вариантыда ўсиш суръатлари анча юқори, яъни 2008 йил ҚҚС тушумлари прогноз кўрсаткичларига нисбатан 2010 йилдаги прогноз кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари биринчи вариантда 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, иккинчи вариантда 39,3 фоизни ташкил этган. Буни икки вариант бўйича ўтган чизикларнинг орасидаги фарқни ифодаловчи ўзгариш оралиғи (коридори) ҳам кўрсатиб турибди.

3.2. Солиқ идоралари ходимларининг фаоиятини комплекс ахборот мониторинг тизимини ишлаб чиқиш орқали бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлаш истиқболи

Маълумки, солиқларни режалаштиришда ахборот тизимлари роли катта. Солиқ хизмати органлари ахоорот тизимларини лойиҳалаштириш бўйича кенг тарқалган иккита ёндашув мавжудлиги ҳозирги солиқларни режалаштиришга замин яратиши мумкин, чунки у энг истиқболли усул бизнес-жараёнларга мўлжалланган усул ҳисобланади. Унга асосан режали ёндашувни солиқ хизмати органлари фаолиятининг мониторинг тизимини лойиҳалаштиришда қўллаш мумкин.

Ўзбекистон солиқ хизмати органлари бошқариш тизими шакллантириш орқали солиқларни бюджет даромадларига бир тартибда тушишини таъминлаш мумкин бўлади. Бу тизимнинг асосий таркибий қисмларини ривожлантириш жараёнида корпоратив ахборот тизимлари муҳим ўрин тутди. Ҳукуматимиз томонидан солиқларни режалаштириш ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Бу эса изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда⁵.

Солиқ хизмати органларининг ягона ҳисоб сиёсатини шакллантирмай туриб, солиқ сиёсатини шакллантириш алгоритмларисиз, солиқлани режалаштириш бўйича ишлаб чиқилган схемаларисиз (масалан, орган таркибига кирувчи бўлинмалар учун таркибий ва амалдаги бюджетларни мувофиқлаштириш, келиштириш, тузатиш, шакллантириш тартиботлари) молиялаштириш манбаларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат, умуман, бошқарув ҳисоби схемалари, ҳисоб-китоб тартиби ва бошқа харажатларга

⁵ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь

лимитларнинг шаклланиш механизмларисиз - бу масалаларни дастлаб ишлаб чиқмай, бирор-бир автоматлаштирилган кичик тизим солиқ хизмати органларини бошқариш тизимининг чекланган қисми бўлишига ишонч ҳосил бўлмайди.

Солиқ хизмати органлари иқтисодий ўзгаришларига мутаносиб ҳолда мослашуви муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун маълумотларни реал вақт доирасида қайта ишлаш ва режалаштириш базасини яратиш жуда муҳим. Бундан келиб чиқадики, маълумотлар тезкорлиги, уларни ўз вақтида янгилар бориш ҳолатларини АТ бизнесини лойиҳалашнинг характерли мезони, деб ҳисоблаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ хизмати органлари фаолиятида иш шароити келгусида қандай бўлишининг ноаниқлиги билан боғлиқ хавф юзага келади. Бунда солиқ хизмати органлари раҳбарлари томонидан нотўғри қарорлар чиқарилиши ҳам катта таъсир кўрсатади. Солиқ хизмати органлари фаолиятининг хавф-хатарга дуч келиши билан боғлиқ муаммолар солиқ хизмати органлари раҳбарлари ва ходимларинигина эмас, хўжалик субъектлари, инвесторлар ва солиқ тўловларини етказиб берувчиларни, шу жумладан, солиқ тўловчиларни ҳам ташвишга солади. АТ даги хавфни камайтириш учун ундаги маълумотларни ҳар кун таҳлил қилиб бориш лозим.

Солиққа тортишни режалаштириш барча соҳаларга зарур ахборотларни ўз вақтида етказиб бериш солиқ хизмати органларининг самарадорлигини ошириш, қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг долзарблиги ва асосийлигини таъминлашга ёрдам беради. Бу мақсадларга мураккаб ахборот тизимлари, ажойиб махсус математик таъминотга асосланган компьютер объектларини амалиётга татбиқ қилиш воситасида эришиш мумкин.

Маълумки, мураккаб тизимлар ичида содир бўлаётган барча жараёнларни тўлиқ формализация қилиш асосида муаммоларни бартараф қилиш мумкин эмас. Агар муаммо мавҳумлик касб этса, қарорни аниқ кайд этиб бўлмайди, бунда фақат бир неча қарорларни шакллантириш мумкин.

Муаммолар формаллаштириш сон билан боғлиқ маълумотларни тайёрлашда у ёки бу қарорни қабул қилиш учун зарур бўлган рақамларни белгилашда катга аҳамиятга эга. Муҳим аҳамиятга молик бўлган бу кўрсаткичларни излаш мураккаб тизимнинг қиёфасини шакллантиришда асосий йўналишлардан бўлган содда режалаштириш модели ва чизмаларни тузиш билан боғлиқ.

Мониторинг тизимининг фойдалилик даражаси унинг самарадорлиги билан тавсифланади. Бунда фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари E_c комплекс самодорлик мезони ердамида баҳоланади:

$$E_c = F(x_1, x_2, \dots, x_n; y_1, y_2, \dots, y_n; z_1, z_2, \dots, z_n)$$

Бу ерда: x_i - тасодифий ўзгарувчи;

y_i - ахборот тизимининг турли-туман омиллари ва кўрсаткичлари;

z_i - солиқ хизмати органлари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини қўллаш билан боғлиқ рақамлар.

Мураккаб АТни тузилмаларнинг сўнггиси сифатида ифода этиш мумкин: технологик жараёнлар даражасидаги АТ (ТЖАТ), солиққа тортиш даражасидаги АТ (СҚАТ), ташкилот бошқаруви даражасидаги АТ (ТБАТ).

Тузилмалар ўз самарадорлик кўрсаткичларини детерминирланган кўринишдаги (операцияларни бажаршдаги меъёрий вақт, нарх, тизим кўрсаткичларининг белгиланиши, технологик жараёнлар меъёрий ўлчовлари ва бошқалар) ва стохастик (операцияларни тизим орқали бажариш ва бошқалар) кўринишидаги функциялар мос келади.

$E_c = F(E_1, E_2, \dots, E_n)$ умумлашма мезони ўзгарувчан E_i лар соҳасидаги ўзгаришлар олдиндан аниқланган ҳолда намоён бўлади. Бу минимак операцияси бўлиб, юқоридаги ўзгарувчиларнинг бир йўналишдаги шакли томонидан бажарилади. Ушбу мезонни қўллашнинг кийинчилиги шундаки, унда коэффициентларни танлаш усули мавжуд эмас.

Амалиётда тизим, аввало, детерминирланган мезонига мос ҳолда кўриб чиқилади. Сўнг стохастик мезони катталиги текширилади ёки уни

каноатлантириш шартига кўра, айрим параметрлар ўзгартирилади. Фаолият кўрсатаётган ташкилот ёки орган шароитларида АТ солиқ тўловчилар мезонини солиққа тортишии таъминлайди. АТ детерминирланган мезон талабларига жавоб бериши зарур. Бунда 2 та савол кўндаланг туради: солиқ тўловлари тайёри ёки тайёр эмасми?

Режали реал шароитларда ишга туширганда АТ ва солиқ хизмати органи учун ташки муҳит тасодифий тарзда ўзгариб туради. Бунда солиқларни режали тушуми ҳажмини казиро беришда қарорлар қабул қилишнинг муҳимлигини ифода этувчи функциялар катта аҳамият касб этади.

Тизим барча поғоналарида ўртача хизмат вақти ва фаолият кўрсатаётган солиқ хизмати органи ахборот тизимининг узлуксиз ишлаши солиқларни режалаштириш учун ахборот тўплаш босқичининг асосий параметрларини белгилайди.

3.3. Ҳозирги шароитда солиқларни режалаштириш орқали хўжалик субъектларини бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашдаги ролини ошириш истиқболлари

Солиқларни режалаштириш зарурати корхоналарни амалдаги солиқ юки даражасига бевосита боғлиқ. Агар барча солиқлар улуши корхона умумий соф тушумининг 15% дан ошмаса, бундай ҳолатда солиқларни режалаштириш минимал даражада талаб этилади. Чунки бундай ҳолатда солиқ юки пастлиги сабабли солиқларни режалаштиришга жиддий эътибор талаб этилмайди ва бу вазифани бош бухгалтер ёки унинг ёрдамчилари амалга ошириши мумкин.

Солиқ юки даражаси 20-35% чегарада бўлганда солиқ ва унга тенглаштирилган тўловлар устидан назорат қилувчи етук мутахассислардан кичик корхоналарда битта ва йирик корхоналарда эса бир нечта бўлиши мақсадга мувофиқдир. Хўжалик субъектлари янги лойиҳалар билан ишлаганда солиқларни режалаштириш бўйича солиқ маслаҳатчиларини алоҳида жалб қилиш фаолият барқарорлигини таъминлайди.

Агарда солиқ юки 40-50% ёки ундан юқори бўлса, солиқларни режалаштириш катта аҳамиятга эга бўлиб, бу бошқарув кенгаши томонидан кўриб чиқиладиган муҳим масалалардан бири бўлиб саналади. Бундай шароитда йирик хўжалик субъектларида солиқларни режалаштириш бўйича махсус бўлим ёки гуруҳлар ташкил этиш талаб қилинади.

Хўжалик субъектларида ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ объекти, солиққа тортиладиган база, солиқ ставкалари, тўлов муддатлари, тегишли бюджетларга ўтказиладиган солиқлар ва унга тенглаштирилган тўлов суммалари, солиқ имтиёзлари ва ундан фойдаланишнинг асосий шартларини ўзида акс эттирган солиққа тортиладиган доирани тавсифловчи солиқ жадвали тузиш мақсадга мувофиқ.

Солиқларни режалаштириш жараёнида хўжалик субъектлари фаолиятдан олинадиган ҳар бир солиқ тури бўйича имтиёзларни таҳлил қилишга алоҳида эътибори қаратиши ҳамда ушбу таҳлил натижасини ҳисобга олган ҳолда солиқлар бўйича имтиёзлардан фойдаланишнинг батафсил режасини тузиш лозим.

Шу билан бир қаторда хўжалик субъектини низомига ҳам амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, корхонанинг шартномавий муносабатлари тизими шакллантирилади. Шартномавий муносабатларнинг ҳисобга олиниши ўз вақтида солиқларни тўлаш, тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларидан кўпроқ муддатда фойдаланиш, солиқ бўйича жарималардан ҳоли бўлиш, солиқ суммаларини минималлаштириш каби имкониятлар беришини таъкидлаш лозим.

Бунинг учун эса солиқларни режалаштириш жараёнида хўжалик субъектлари малиявий сиёсатида солиқ рисклари (солиқ хатоларига йўл қўйилганда юзага келиши мумкин бўлган жарима ва санкциялар)ни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг максимал молиявий натижага эриша олиш даражасига баҳо бериш, шунингдек солиқларни ҳисобга олган ҳолда корхона активлари ва фойдасини энг самарали тақсимланишини таъминлаш, солиқ ва ҳисоб сиёсатларининг муқобил имкониятларини белгилаш кабиларга эътибор қаратиш лозим.

Хўжалик субъектлари фаолиятида молиявий сиёсат ташқи муҳит шароитларига мослашган ҳолда ҳар йили ўзгартирилиб борилиши мумкин. Амалдаги молиявий қонунчилик мувофиқ, корхоналар учун молиявий ва ҳисоб сиёсатларининг муқобил вариантларга мавжудлиги улар учун энг самарали молиявий ва ҳисоб сиёсатлари элементларидан фойдаланиш имкониятини беради. Шунинг учун хўжалик субъектларида молиявий, хусусан, ҳисоб ва солиқ сиёсатлари элементларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш солиқларни режалаштиришнинг самарали йўналишлардан бири ҳисобланади.

**IV Боб. Пайариқ туман ҳокимлиги молия бўлимида ҳаёт фаолияти
хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти**

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшабини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда

кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. Пайариқ туман ҳокимлиги молия бўлими ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)⁶ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва

⁶ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда

ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, ҳал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб

чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш

штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Пайариқ туман ҳокимлиги молия бўлимида фавқулодда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)⁷ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи

⁷ Фавқулодда вазият кейингиларда-ФВ

портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чикувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам

ойлик иш хақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи захарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, захарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва захарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен

бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи захарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЭС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр

тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектларидаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шоншшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги ғавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа зарарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво муҳитининг қуйидаги ингридиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг қўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстеремал юқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;

б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;

2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;

3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);

4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;

5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;

6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;

7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. Пайариқ туман ҳокимлиги молия бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш

билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Хулоса

Бир нарсани аниқ айтиш мумкинки, давлатнинг ўзи ҳам кичик бизнес субъектларини умумбелгиланган солиқ режимиға ўтишидан манфаатдор. Буни солиқ сиёсатидаги қуйидаги ўзгаришлардан англаш мумкин:

- 2008 йилдан ягона солиқ тўловчиларга ихтиёрий асосда қўшилган кий-мат солиғини тўлаш ҳуқуқи берилгани;

- 2013 йиддан микрофирма ва кичик корхоналар умумбелгиланган солиқ режимиға ўтсалар реализация ҳажмидан (оборотдан) мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни тўламайдиган бўлгани.

Кичик бизнес субъектларини умумбелгиланган солиқ режимиға ўпсазишнинг ягона йўли бу ундаги солиққа тортиш механизмларини соддалаштириш ва солиқ юкини камайтиришдир. Амалдаги солиқ тизимида иккала солиқ режими бўйича солиқ юки даражаси кескин фарқланади. Шу сабабли, ягона солиқ тўлови механизми ҳарчанд мураккаб бўлмасин, кичик бизнес субъектлари умумбелгиланган солиқ режимиға ўтишни хоҳлашмайди.

Умумбелгиланган солиқ режимида солиқ юкини камайтириш нафақат кичик бизнес субъектларини мазкур режимға ўтишларига имкон беради, балки солиққа тортишдаш ижтимоий адолатюшг қарор топишини ҳам таъминлайди.

Умумбелгиланган солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ундаги солиқлар сонини қисқартириш ва механизмларини ихчамлаштириш ҳисобига амалға оширилиши керак.

Солиқ тизимининг нобарқарорлиги ва айниқса, кичик бизнес ва хуеусий тадбиркорлик учун соддалаштирилган солиққа тортиш механизмларининг ўзгарувчанлиги солиқ тўловчилар иқтисодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «солиқлар кенг камровли, айти пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ ва корхонаға алоҳида қайишқоқ ва шароитға мослашувчан»⁸ бўлмош лозим. Бундан ташқари, солиқ тизимининг турли хил солиқ режимларига асосланган ҳолда, табақалашиб кетгани ҳозирги глобализация шароитида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайди.

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 26 б.

Шу сабабли, халқаро солиқ амалиётида синалган, илғор хорижий тажрибаларга таянган аниқ тамойиллар асосида солиққа тортишни имкон қадар соддалаштириш ва унификациялаш ҳамда солиқ механизмларининг қайишқоқлигини таъминлаш орқали мамлакат солиқ тизимида режалаштириш тизимини кучайтириш орқали бюджет даромадларини барқарорлаштириш, самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда истиқомат қиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига мос келадиган ва умумдават аҳамиятига эга бўлган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши, кўп жиҳатдан, солиқларнинг бюджетга ўз вақтида белгиланган суммаларда туриш туришига боғлиқ. Чунки ҳукуматимиз томонидан халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган вазифалар қўйилса-ю, улар белгиланган тартибда молиявий жиҳатдан таъминланмаган бўлса, бу вазифалар қоғоздаги вазифалар бўлиб қолаверади ва уларни амалиётда тўлиқ бажариб бўлмайди. Шу сабабли мол-мулк солиғи бюджетга ўз вақтида ва белгиланган миқдорда тушиб туриши ҳамда халқимиз манфаатларига мос келадиган вазифаларнинг бажарилиши бири-бири билан боғлиқ бўлган масалалар эканлигини эътироф этишимиз зарур.

Юқорида қайд этилган хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни эътироф этиш ва амалиётда қўллаш ўз ижобий самарасини беради, деб ҳисоблаймиз, яъни:

- солиқлар бўйича мажбурий тўловларни аниқлашда солиқ солиш базасини шакллантиришда иштирок этадиган барча кўрсаткичларни меъёрлар асосида ҳисоблаш тизимига ўтиш, акс ҳолда солиқ солиш базаси турли усуллардан аниқлаб, солиқ тушумларига салбий таъсир этиши мумкин;

- солиқлар бўйича мажбурий тўловларни режалаштириш давр талаби деб эътироф этилиши лозим. Фақат мажбурий тўловларни режалаштириш орқали бюджет тушумларини тўлиқлигини таъминлаш мумкин бўлади. Бунинг учун молиявий бизнес режада кўрсатилган миқдорда солиқ тушуми бюджет даромадларига тушмаганда (кам тушганда) уни чегарасида тушириш мажбуриятини корхоналарга юклаш зарур бўлади. Бундай тартибни қўллаш учун энг аввало амал қилиб келадиган Солиқ кодексига ҳам ўзгартиришлар киритиш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. -Т.: 1998 й. 24 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. -Т.: 1998 йил 30 апрел.
5. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. //Халқ сўзи, 2011 йил 10 декабр, 5348-сон
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, 13-сон
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. 12-сон.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., 2005. - 88 б.
10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий

жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, 13-сон.

11. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Анализ инвестиционных проектов. Учеб. пособие. – Т.: Молия, 2000. – 88 с.
12. Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 536 с.
13. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
14. Бланк А. Инвестиции. – М.: Дело, 2008. – 260 с.
15. Боди З., Кейн А., Маркус А. Принципы инвестиции. Пер. с англ. – М.: Вильямс, 2008. – 984 с.
16. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
17. Бочаров В.В. Инвестиции: учебник для вузов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2008.- 384 с.
18. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
19. Вахабов А., Разыкова Г., Хажибакиев Ш. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. Монография. – Т.: Молия, 2011. – 300 с.
20. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
21. Вахабов А.В. ва бошқ. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. - 328 б.
22. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003. – 332 б.
23. Гончаров. А. Прямые и косвенные налоги: поиск оптимальной модели. // Налоги. - 2008. - № 6.
24. Додиев Ф.У. Инвестиция фаолиятини молиявий рағбатлантириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. –Т., 1998. - 21 б.
25. Есмурзаев Ж.Т. Маҳаллий солиқларни ундириш механизминини

- такомиллаштириш масалалари // Журнал налогоплательщика. – Т., 2006. - №7(65) -с.38-40.
26. Жўраев А.С. ва бошқалар. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма - Т.: Шарқ, 2003. - 225 б.
27. Иванов А.П. Финансовые инвестиции на рынке ценных бумаг. 5-е изд. перераб. и доп. – М.: Дашков и Ко, 2012. – 480 с.
28. Имомов Х.Х. Инвестицион муҳитни яхшилаш ва уни жозибадорлигини оширишни молиявий асослари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2011. – 22 б.
29. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 144 с.
30. Кудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.
31. Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг молия ва кредит механизмини такомиллаштириш. Монография. –Т.: Iqtisod-moliya, 2007. - 296 б.
32. Лапыгин Ю.Н. Инвестиционная политика: учебное пособие / А.А. Балакирев, Е.В. Бобкова и др.; под ред. Ю.Н. Лапыгина. – М.: КНОРУС, 2011. – 320 с.
33. Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.
34. Майбуров И.А. и др. Теория и история налогообложения. 2-е изд.. перераб. и доп. - М., 2011. – 440 с.
35. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т., Академия, 2002. - 279 б.
36. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т: Иқтисод ва молия, 2007, - 21 б.
37. Маманазаров А. Солиқ сиёсати. -Т.: Молия, 2003.
38. Махмудова Г.Н. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш

- йўналишлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф.
– Т., 2010. - 21 б.
39. Мирзаев Ф., Давронов Ш. Тижорат банклари фаолияти: инновацияси, инжиниринги ва рискларни бошқариш амалиёти. Монография. – Т.: Молия, 2014. – 160 б.
40. Назарова Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқ. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011
41. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
42. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. - М.: ИНФРА-М. 1996. - 192с.
43. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
44. Савицкая Г.В. Теория анализа хозяйственной деятельности . М.:ИНФРА, 2008.-182 стр.
45. Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
46. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
47. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент: Фан ва технология.- 2008.- 127-132 б.
48. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
49. Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. - Т: Янги аср авлоди, 2002. 128 б.
50. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Меҳнат, 1995
51. Хабаев С.Г. Бюджетирование, ориентированное на результат, в здравоохранении. Автореф. дис. .. д.э.н. – М., 2010. – 36 с.
52. Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар

- инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2003. – 29 б.
53. Ҳасанов Р.Р., Ҳайдаров Н.Х., Маликов Т.С. Молиявий бошқарув. – Т.: Ғафур Ғулом, 2009. – 840 б.
54. Ҳолиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.:ЖИДУ. 2002. 10-б.
55. Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т., 2008. – 264 б.
56. Шарп У. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 744 с.
57. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т., 2010. – 280 б.
58. Журнал ва газеталар:
- Бозор, пул ва кредит 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Молия 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Иқтисодиёт ва таълим 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Солиқ ва божхона хабарлари 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари.
59. Интернет сайтлари:
- [http: //www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)
- [http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
- [http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)
- [http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)
- [http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)